



## КОРХОНАЛАРДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*PhD Гафурова Умида Фатиховна*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги  
«Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий  
асослари ва муамолари» илмий-тадқиқот маркази*

*ORCID: 0000-0002-7997-7169*

*[Umidag85@gmail.com](mailto:Umidag85@gmail.com)*

**Аннотация.** Мақолада мамлакатимиз инновацион фаолияти ва корхоналарда инновацион жараёнларни самарали ташкил этиш йўналишлари ёритилган. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасида инновацион ривожланишни жадаллаштириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида инновациялар ва технологияларни кенг татбиқ қилиш, инсон капитали, илм-фан ва инновация соҳаларини ривожлантириш борасида таклиф ва тавсифлар келтирилгандир.

**Калит сўзлар:** инвестиция, инновация, инновация маҳсулотлари, инновация жараёнлари, инвестицион муҳит, инвестицион муҳит жозибadorлиги, инвестицион фаолият самарадорлиги.

## НАПРАВЛЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ

*К.э.н. Гафурова Умида Фатиховна*

*Научно-исследовательский центр «Научные основы  
и проблемы развития экономики Узбекистана» при*

*Ташкентском государственном экономическом университете*

**Аннотация.** В статье рассматриваются направления инновационной деятельности страны и эффективная организация инновационных процессов на предприятиях. А также, приведены предложения и рекомендации по ускорению инновационного развития в Республике Узбекистан, широкому внедрению инноваций и технологий во все отрасли экономики, развитию человеческого капитала, науки и инноваций.

**Ключевые слова:** инвестиции, инновации, инновационные продукты, инновационные процессы, инвестиционная среда, привлекательность инвестиционной среды, эффективность инвестиционной деятельности.

## DIRECTIONS FOR EFFECTIVE ORGANIZATION OF INNOVATIVE PROCESSES IN ENTERPRISES

*PhD Gafurova Umida Fatikhovna*

*Scientific research center "Scientific bases and problems of the development of the economy of Uzbekistan" at the Tashkent State University of Economics*

**Abstract.** *The article examines the directions of the country's innovation activity and the effective organization of innovation processes at enterprises. In addition, suggestions and recommendations are given to accelerate innovative development in the Republic of Uzbekistan, the widespread introduction of innovations and technologies in all sectors of the economy, the development of human capital, science and innovation.*

**Keywords:** *investments, innovations, innovative products, innovative processes, investment environment, attractiveness of the investment environment, efficiency of investment activity.*

### **Кириш.**

Ҳозирги кунда бозор рақобати талабларининг кучайиши, янги имконият ва ривожланиш истиқболларини белгилаш, ўзининг мавқеларини янада мустаҳкамлашнинг асосий муваффақият омили - инновацион фаолият ва корхоналарда инновацион жараёнларни самарали ташкил этиш ҳисобланади.

«Инновацион фаолият макон ва замонда мавжудлиги, ўз ўрнига эга эканлиги сабабли иқтисодиётнинг муҳим объектларидан бири ҳисобланиши табиий ҳол» (Хотамов, Мустафакулов ва бошқ., 2019). Бундан ташқари, иқтисодий адабиётларда инновацион фаолиятнинг мазмуни ва моҳияти, уни таснифлаш ва тавсифлаш асослари, шунингдек, ушбу фаолият тўғрисидаги маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида қанчалик реал акс этирилганлигини текшириш тартиблари этарли даражада очиқ берилмаган. Шунинг учун «...инновацион фаолиятнинг иқтисодий объект сифатидаги моҳияти, уни таснифлаш ва тавсифлаш асосларини ҳар томонлама кўриб чиқиш зарур.

Инновация - бу ҳўжалик юритувчи субъектни, унинг моддий-техник базасида амалга ошириладиган ишлаб чиқаришни янгилаш ва ривожлантириш мақсадида янги ғоялар ва ишланмаларни яратиш, тадқиқ этиш ва амалга оширишга қаратилган махсус фаолиятдир. Инновация фаолият сифатида инсон меҳнатининг барча жабҳаларида қўлланилиши мумкин. Бу тадбирларни амалга ошириш жамиятда фан ва техника тараққиётига олиб келади.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Ўзбекистонда инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш масалаларининг назарий, методологик ва амалий жиҳатлари махсус, мустақил тадқиқот объекти сифатида этарли даражада ўрганилмаганлиги корхоналарда инновацион жараёнларни самарали ташкил этишнинг долзарблигини ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради.

Инновация – бу янги технологияларни, янги маҳсулотларни, янги материал ресурсларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва янги саноат корхоналарининг ташкил этилишидир (Шумпетер, 2007). Ўтган асрнинг 30-йилларида иқтисодчи олимларнинг асосий эътибори инновацияни классификациялашга қаратилди. “Инновация”ни ўрганиш фақат техника прогресси назарияси доирасида, шунингдек, омил унумдорлиги назариялари асосида талқин қилинди.

Сонтонинг (1990) талқинига кўра, инновация деганда, ижтимоий техник-иқтисодий жараённи ўз ичига қамраб олиб, ихтироларни, дастлабки ғояларни амалий

тажрибаларда синаш орқали юқори технологияни, товар ишлаб чиқаришни самарали йўлга қўйиш билан бозорда юқори қўшимча даромадга эришиш тушунилади.

Инновацияга нисбатан шунга жуда ҳам яқин таърифни Твисс (1989) ҳам келтиради. Унинг фикрича, инновация жараён ҳисобланиб, ихтиролар, дастлабки ғоялар маълум бир иқтисодий маънони касб этгани ҳолда, муваффақиятли янгиликлар (янги ғоялар) бозорда таклиф сифатида намоён бўлиб, истеъмолчилар бунинг учун пул маблағини тўлашга, яъни талабни қондиришга хизмат қилади.

Умуман, “инновация” сўзи янгиликларнинг яралиши, ноанъанавий бўлган жараёнларнинг пайдо бўлиши, ташкил этиш ва бошқарув самарадорлиги ошишига олиб келадиган ўзгача усул, воситаларнинг пайдо бўлишини англатади. Бу сўз бизнинг атамашунослигимизда инглиз тилидан кириб келган “innovation” сўзидан олинган бўлиб, байналминал термин сифатида эътироф этилади.

Бугунги кунда иқтисодий адабиётларда иқтисодчи-олимлар инновацияга турлича таърифларни, талқинларни, қарашларни, нуқтаи-назарларни, фикр-мулоҳазаларни билдириб келмоқдалар.

Бир гуруҳ олимлар Фоломьев (2002), Киперман (2015) инновацияни янги маҳсулотлар, технологиялар ҳамда хизматларни яратишга қаратилган ва маълум бир имкониятларга эга бўлган ижодий меҳнат маҳсули, деб қарашади.

Бошқа муаллифлар Друкер (2018), Муравьев (2017), Лапин (2016) эса, инновацияга бизнесни ривожлантириш учун йўналтирилган мураккаб тизим сифатида қараш лозимлигини уқтиришади. Яна бир гуруҳ олимлар Харман, Джонс (2018) инновация остида ишлаб чиқариш жараёнига янги ёки мавжуд бўлган эскисини такомиллашган вариантни татбиқ этишни тушунадилар.

Гимуш ва Матмуродовлар (2008) томонидан инновация деганда янгилик ва янгилик киритиш тушунилади. Бу янгилик замирида янги тартибни, янги одатни, янги услубни, кашфиётни тушуниш лозим”, дея таъриф берилган.

Тошмуродова ва Жияновалар (2006) фикрига кўра: “инновация тушунчаси ўз ичига фақат техник изланишларни олмасдан, балки корхона иши усулидаги барча яхши ўзгаришларни (янги хизматлар, пастроқ нархлар белгилаш ва бошқа мижозлар учун қулай шароитлар яратиш) олади.

Фахрулдинов (2011) фикрича: “Инновация - объектни бошқаришни ўзгартириш ва иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техникавий ва бошқа турдаги самараларни олиш учун янгиликни жорий этишнинг якуний натижаси” дир.

«Умумий тарзда, инновациянинг яхлит ва бир-бирини тақозо қилувчи кўринишларига - янги ғоя, ишлаб чиқаришга татбиқ этилган янги ғоя ёндашув, янги технология ва ишлаб чиқарилган янги маҳсулот, бошқарувдаги янги усул ва умуман, барча жабҳалардаги янги ислохотлар киради» (Toshmurodova, Jiyanova, 2006). Бунда инновация нафақат сўнгги янгилик, юқори марра бўлишигина эмас, балки ҳаётга татбиқ этилган, жамият аъзоларига иқтисодий ва ижтимоий наф келтирувчи восита бўлиши ҳам талаб этилади.

Ўрганилган тадқиқот ишларидан ҳосил бўлган қарашларни умумлаштириб, муаллифларнинг “инновация” тушунчасига берган таърифларини уйғунлаштирган ҳолда, ўз фикрларимизни умумлаштириб қуйидаги таърифни бердик: “Инновация” - янгиликни биринчи бўлиб жорий этиш, унинг самарасини юзага келтириш ва ундан тегишли наф олишдир”.

### **Тадқиқот методологияси.**

Мазкур илмий мақолада гуруҳлаш, тизимли қиёсий таҳлил ва тизимли ёндошув, эксперт ва таққослама таҳлил, башоратлаш, маълумотларни статистик ишланмаси методлари ва бошқа замонавий усулларидан фойдаланилди.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Инновацион фаолият ишлаб чиқариш ва унинг моддий-техник базасини янгилаш ва ривожлантиришни таъминлайдиган янги ғоялар ва ишланмаларни яратиш, ўрганиш ва амалга оширишга қаратилган жараёнлар мажмуидир.

Инновация эса амалиётда қўлланилган ва бирмунча самара берган принципиал янги ғоя ҳисобланади. Маълум бир корхонада қўлланилиб, маълум бир самара ёки даромад келтирган инновация буилмий ёки бошқарув соҳаларида олдиндан маълум бўлган бўлиши мумкин. Бундай инновация ички ёки локал инновация дейилади.



1-расм. Инновациянинг иқтисодий фаолият сифатида турлари

Ташқи инновация деб, шундай инновацияларга айтиладики, улар бутун жамият учун янги қўлланилган бўлади, масалан: янги маҳсулот, янги бошқарув тизими, янги қонун, янги ижтимоий дастур ва бошқалар. Бундай инновация, одатда, умумийлик хусусиятига эга бўлиб, уларга кенг миқёсда қўлланилиш хосдир.

Инновацион фаолиятнинг пировард натижаси бўлиб инновация маҳсулоти (технология) ҳисобланади. Инновация маҳсулоти (технологияси) ўзининг ҳажми билан фарқланади, у янги технологияни жорий этилиши эвазига корхона ишлаб чиқариш имкониятларини ўсишини ифодаловчи кўрсаткичларда ўз аксини топади.

Инновацион фаолият ўз ичига маълум босқичли жараёнларни олади. Ушбу босқичли жараёнлар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин (2-расм).

Инновацион фаолиятни ташкил этувчи жараёнлар		
<p><b>1-босқич</b></p> <p>Илмий ғоя ва ишланмалар (янги техника, технология, лойиҳалар, дастурлар, маҳсулот, товар намуналари ва бошқалар)га заруратларни яратиш</p>	<p><b>2-босқич</b></p> <p>Реал маблағларни (капитал инвестицияларни), инновацион ишланмаларни яратиш</p>	<p><b>3-босқич</b></p> <p>Инновацион маҳсулотлар (янги техника, технология, янги маҳсулот ва товар намунаси, лойиҳа, дастурий маҳсулот ва бошқалар)ни яратиш</p>

2-расм. Инновацион фаолиятни ташкил этувчи жараёнлар

Инновацион фаолиятни мазмун ва моҳиятига, пировард олинadиган натижасига кўра корхоналар томонидан олиб бориладиган ички инвестиция фаолиятининг

таркибий қисми, яъни унинг бир бўлаги деб ҳисоблаш мумкин. Ички инвестиция фаолияти инновацион фаолиятдан ташқари капитал қурилиш, янги техника ва технологияларни сотиб олиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, кенгайтириш, реконструкция қилиш каби ишларни ҳам бевосита ўз ичига олади. Демак, ички инвестицион фаолият инновацион фаолиятга нисбатан мазмунан кенг тушунча ҳисобланади. Инновацион фаолиятга сарфланган маблағлар жами капитал инвестициянинг янги ғоя, ишланмалар, жараёнлар, маҳсулот, хизмат турларини яратиш, ўзлаштириш ва татбиқ этишга тааллуқли бўлган қисмидир.

Шундай қилиб, инновацион фаолият макон ва замонда юз берганва бераётган, ўзининг моддий ва номоддий кўринишдаги ҳамда пулда баҳоланадиган мулк шаклидаги пировард маҳсулига эга бўлган, бунга эришиш учун маълум сарф-ҳаражатларни талаб қиладиган хўжалик фаолиятининг бир тури ҳисобланади. Айнан шу мазмунда корхоналарнинг инновацион фаолияти уларда юритилаётган бухгалтерия ҳисоби ҳамда ўтказиладиган аудит предметини ташкил қилувчи объектлардан бири ҳисобланади.

Инновацион фаолият яқунланган илмий тадқиқот ва лойиҳалар натижалари ёки бошқа илмий-техник ютуқларни (фан-техника ютуқларини) янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотга; бозорда сотиладиган, амалий фаолиятда фойдаланиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёнга, шунингдек, шу билан боғлиқ қўшимча илмий тадқиқот ва лойиҳаларга жорий қилишга йўналтирилган жараён экан, унга қуйидаги фаолият турларини киритиш мумкин:

- ✓ амалиётда қўллаш учун мўлжалланган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён яратиш бўйича илмий тадқиқотчилик, тажриба- конструкторлик ёки технологик ишлар бажариш;

- ✓ янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот чиқариш, янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён жорий қилиш учун ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва технологик қайта жиҳозлаш;

- ✓ янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, янги ёки такомиллаштирилган технологик жараённи синаб кўришни амалга ошириш;

- ✓ ҳаражатлар ўзини оқлашига қадар янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён қўллаш, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот чиқариш;

- ✓ янги маҳсулотни бозор томон ҳаракатлантириш бўйича фаолият;

- ✓ инновацион инфратузилма яратиш ва ривожлантириш;

- ✓ инновацион фаолиятни амалга ошириш учун ходимлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

- ✓ саноат мулки объектлари ёки махфий илмий-техник ахборотларга эгалик ҳуқуқини бошқаларга бериш ёки харид қилиш;

- ✓ янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён яратиш ва амалиётда қўллаш бўйича экспертиза, маслаҳат, ахборот, юридик ва бошқа хизматлар кўрсатиш;

- ✓ инновацион фаолиятни молиялаштиришни ташкил қилиш.

Инновацион технологиялар доирасидаги илмий ёндашувлар шуни кўрсатадики, бирор тизим ёки корxonанинг ҳар жиҳатдан ривожланиши улардаги мустаҳкам инновацион тизим мавжудлиги билан белгиланади. Реал сектор корхоналарини тадқиқ этар эканмиз, уларнинг ўз имкониятларидан самарали фойдаланаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Инновация фаолиятига жалб қилинган корхоналар улушини қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

## Инновация фаолиятига жалб қилинган корхоналар улуши, % да

Корхона тоифалари	Инновация маҳсулоти	Инновация жараёнлари	Илмий-тадқиқот ишлари учун ҳаражатлар	Ташқи билимлар	Ички салоҳият	Ташқи салоҳият
Кичик	28	14	4	7	10	4
Ўрта	30	19	9	11	14	8
Йирик	32	22	15	13	22	13

Маълумотлардан кўринадики, корхоналарнинг инновацион фаоллиги корхона ҳажмининг ошиши билан ортади. Барча йирик корхоналарнинг 32 фоизи маҳсулот инновацияларини жорий этишни эълон қилган бўлса, ўрта корхоналар ўртасида бу кўрсаткич 30 фоизни, кичик корхоналар эса 28 фоизни ташкил этади. Илмий-тадқиқот ишлари учун асосий ҳаражатлар йирик корхоналар (22 фоиз) томонидан амалга оширилган бўлса, 9 фоизи ўрта корхоналар ва 4 фоизи кичик корхоналар томонидан амалга оширилган.

Бир ходимга тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари билан қуйидаги жадал маълумотлари орқали яқиндан танишишимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

## Бир ходимга тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги, млн.сўмда

	Инновацияларни жорий қилмаган корхоналар	Инновацияларни жорий қилган корхоналар
Маҳсулот инновацияларини жорий қилган корхоналар	55	67
Инновация жараёнларини жорий қилган корхоналар	55	81
Илмий-тадқиқот ишлари учун ҳаражатларни амалга оширган корхоналар	57	88
Ташқи билимлардан фойдаланган корхоналар	57	76
Инновацияларни жорий қилиш учун ички салоҳиятлардан фойдаланган корхоналар	54	98
Инновацияларни жорий қилиш учун ташқи экспертлар/фирмалардан фойдаланган корхоналар	56	100

Инновацияларни ўз фаолиятида жорий этилишга алоҳида эътибор қаратган корхоналар нисбатан юқори меҳнат унумдорлигига эришган. Масалан, маҳсулот инновацияларини жорий этган корхоналарда ҳар бир ходимга 67 млн. сўм ишлаб чиқариш тўғри келган, маҳсулот инновацияларини жорий қилмаган корхоналарда бу кўрсаткич 55 млн.сўмга тўғри келган. Бу фарқ корхоналарнинг инновацияларни ўз фаолиятига жалб қилиниши даражасига қараб, барча 6 кўрсаткич бўйича кузатилади.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, ҳозирда реал сектор корхоналари олдида бир қанча муаммолар кўндаланг турмоқда:

- инновацион салоҳиятнинг пастлиги;

- ушбу фаолиятни кенгайтириш учун корхоналарнинг ички маблағлари етишмаслиги;

- iqtisodiy risklarning yuqoriligi va qoplaniш muddatlarining uzoqligi;
- ishlab chiqarishni rivojlantirishning uzoq muddatli iynalishlarini tugri belgilashda muammolarga duch keliши.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иqtisodiy islohotlar natijasida qishloq xujaligi, energetika, qurilish, taъlim va sogliqni saqlash soxalarini rivojlantirishni taъminlash va raъbatlantirish borasida katta yutuqlarga erishildi. Xususan:

- respublikaimiz 81 ta indikator buyicha baъolanaдиган Global innovatsion indeksni reytingida 2015 yilga nisbatan 36 ta poъonaга kутarildi;

- innovatsiya va ilm-fan soxalariga davlat byudjetidan ajratiladigan yillik mablaglar xajmi 2018 yilga nisbatan 3 baravarга oshirildi va 1,5 trilliон sўmга etkazildi;

- ёш olimlar 2018 yilda 6,5 ming nafar bўlgan bўlsa, 2022 yilda ularning soni 10,8 ming nafarни tashkil etdi, yaъni bir yarim baravarга ўsdi;

- oxirgi 4 yilda innovatsion faoliyatni molialashtirish buyicha maxsus institutlar (innovatsion jamъarmalar, venchur tashkilotlar va boшqalar) soni 28 тага etkazildi.

Ўзбекистон Республикасида innovatsion rivojlantirishni jadallashtirish, iqtisodiyotning barча тармоqlarida innovatsiyalar va texnologiyalarni keng tatbiq qilish, inson kapitali, ilm-fan va innovatsiya soxalarini rivojlantirish maqsadida Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 yil 6 iyulдаги “2022-2026 yillarda Ўзбекистон Республикасининг innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash tugrisida”ги №ПФ-165-сонли Фармони қабул қилинди ва унга кўра, «2022-2026 yillarda Ўзбекистон Республикасининг innovatsion rivojlantirish strategiyasining asosiy iynalishlari etib quyidaгилар belgilandi:

- innovatsion infratuzilma subъektlari (innovatsion texnologik park, texnologiyalar transferi markazi, innovatsion klaster, venchur tashkiloti, innovatsiya markazi, start-up akselerator, inkubator) тармоqini shakllantirish orqali start-qap tashabbuslarni qўllab-quvvatlash hamda yirik xajmli ishlab chiqarishni (kapital yaratish) tashkil etish;

- innovatsion faoliyatni davlat tomonidan qўllab-quvvatlashning institutsional mexanizmlarini takomillashtirish orqali innovatsion faol tashkilotlar ulushini oshirish;

- kichik tadbirkorlikning innovatsion faolligini oshirish orqali hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy jadal ўsishini taъminlash;

- yangi turдаги maъsulotlar va innovatsion texnologiyalar yaratishning foydan yukuniy isteъmolchigacha bўlgan kompleks tizimini taъminlash orqali innovatsiyalarга bўlgan talabni raъbatlantirish;

- yaratilgan kapitalni “tubdan yangilovchi” innovatsiyalarга qayta iynaltirish tizimini shakllantirish;

- taъlimning barча bosqichlarida yaratuvchanlik, innovatsion tadbirkorlik va rationalizatorlik kunikmalarini rivojlantirish orqali innovatsion faoliyat boшqaruvida inson kapitalini yanada rivojlantirish» (Farmon, 2022) kabi vazifalar belgilangan.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Хозирги кунда корхона rivojlantirishni va muvaffaqiyatining muъim asosi sifatida korxonalarda innovatsion faoliyatni samarali tashkil etish vazifalarining ўz vaqtida va tugriq bajarilishi maydonga chiqadi. Innovatsion faoliyat va korxonalarda innovatsion jaraёнlarni samarali tashkil etish iynalishlarini

белгилашда қуйидаги илмий хулосалар, таклиф ва тавсияларни келтириш мақсадга мувофиқдир:

- миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида унинг инвестицион фаолият самарадорлигини таъминлаш учун инновацион фаолиятни ривожлантириш билан боғлиқ тенденцияларни чуқур ўрганиш республикамизда инновацион муҳитни яхшилаш билан бирга, ички ва ташқи бозорлар учун инновацион маҳсулотлар етказиб беришда ижобий таъсир кўрсатади;

- корхонанинг инвестицион фаолияти самарадорлиги - унинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида инвестицияларнинг шакллантирилиши, улардан мақсадли, фаол ва самарали фойдаланиш имкониятидир;

- ҳозирги замон талаблари ва реал ҳаётнинг эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда инвестицион фаолият самарадорлигини таъминлаш ва уни ошириш йўлларида илмий тадқиқига *янгича ёндашувнинг фундаментал асоси* шунга таянмоғи лозимки, унда мамлакатимиз ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги янги инвестиция сиёсати доирасида корхоналар ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг долзарб вазифаларини ҳисобга олган ҳолда инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш йўналишларини тизимли тарзда тадқиқ этиш асосий масала қилиб қўйилиши ва унинг диққат марказида “инвестицион муҳит”, “инвестицион салоҳият”, “инвестицион фаоллик”, “бизнес муҳити” каби ҳаётнинг белгиланган омиллар мутаносибликларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизмини ишлаб чиқиш ётиши лозим;

- «инновация» янги ҳаёт, ишлаб чиқаришга татбиқ этилган янги ёндашув, янги технология ва ишлаб чиқарилган янги маҳсулот, бошқарувдаги янги усул, умуман, барча жабҳалардаги янги ислохотлардир. Бунда инновация нафақат сўнгги янгилик, балки ҳаётга татбиқ этилган, жамият аъзоларига иқтисодий ва ижтимоий наф келтирувчи восита бўлиши керак;

- ҳозирда реал сектор корхоналари инновацион фаолиятига оид бир қанча муаммолар мавжуд: инновацион салоҳиятнинг пастлиги; ушбу фаолиятни кенгайтириш учун корхоналарнинг ички маблағларининг етишмаслиги; иқтисодий рискларнинг юқорилиги ва қопланиш муддатларининг узоклиги; ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг узок муддатли йўналишларини кўра олмаслик;

- “республикада инновацион ривожланишни жадаллаштириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида инновациялар ва технологияларни кенг татбиқ қилиш, инсон капиталини, илм-фан ва инновация соҳаларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 июль 2022 йилдаги 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги №ПФ-165-сонли Фармони қабул қилинди ва унга кўра, 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясининг асосий йўналишларини белгилаб берди” (Фармон, 2022);

- Ўзбекистон учун ҳам инвестиция соҳасини либераллаштириш, инвестицион ва инновацион фаолият самарадорлигини ошириш бўйича ислохотларни давом эттириш, республикада самарали инвестицион ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш бўйича ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш юзасидан хорижий тажрибалардан унумли фойдаланиш тараққиётнинг гарови ҳисобланади.

#### **Адабиётлар/Литература/Reference:**

*Gimush R.I., Matmurodov F.M. (2008) Innovatsion menejment. Iqtisodiyot oliy o'quv yurtlari uchun o'quv qo'l. - T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 10-b. (144 b.)*

*Toshmurodova B.E., Jiyanova N. (2006) Innovatsion faoliyatni moliyaviy rag'batlantirish. O'quv qo'llanma. - T.: Iqtisod-moliya, 11-b. (110 b.)*



- Джонс Р. (2018) Экономические сочинения. –Пер. С англ. -3-изд. –М.: Директмедиа. Пабблишинг, -423с.
- Друкер П.Ф. (2018) Энциклопедия менеджмента. -6-изд. – М.: Диалектика, - 654 с.
- Киперман Г.Я. (2015) Экономика предприятия: словарь.5-изд. – М.:ЮРИСТЪ. -486 с.
- Лапин Н.И. (2016) Теория и практика инноватики: учебное пособие.-3-изд. – М.: Логос, -467с.
- Муравьев А.И. (2017) Предпринимательство: учебник. 6-изд. СПб.: Лань, - 782 с.
- Санто Б. (1990) Инновация как средство экономического развития. – М.: Прогресс, с.83
- Твисс Б. (1989) Управление научно-техническими нововведениями. М.: Экономика, с.54.
- Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165-сонли Фармони.
- Фатхутдинов Р.А. (2011) Инновационный менеджмент,.
- Фоломьев А.Н. (2002) К вопросу о концепции национальной системы венчурного инвестирования./ Инновация. №8, с.21-30
- Хотамов И., Мустафакулов Ш., Исаков М., Абдувалиев А. (2019) Корхона иқтисодиёти ва инновацияларни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 340-бет.
- Шумпетер Й.А. (2007) Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. М.: ЭКСМО, 864 с.